

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ДИЛШОДБЕК РАЗЗАКОВИЧ

**АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic
sciences**

Саидов Дилшодбек Раззакович

Автосервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий
механизмини такомиллаштириш.....5

Саидов Дилшодбек Раззакович

Совершенствование организационно-экономического механизма повышения
качества автосервисных услуг27

Saidov Dilshodbek Razzakovich

Improving the organizational – economic mechanism for increasing the quality of
autoservices51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ДИЛШОДБЕК РАЗЗАКОВИЧ

**АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt205 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салаев Санъатбек Комилович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Убайдуллаев Қайрулло
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эрназаров Ортик Эшназарович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, факс.: (99 862) 224-57-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, факс.: (99 862) 224-57-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

Ш.Б. Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент.

Б.Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган бир шароитда рақобат курашининг кучайиши, COVID 19 пандемияси содир бўлиши хизматлар соҳасида мураккаб вазиятни вужудга келтиргани ҳолда ушбу соҳани барқарор ривожини таъминлашга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратишга мажбур қилмоқда. Хусусан, Европа иттифоқида хизматлар айланмаси 2021 тўртинчи чорагига келиб 2021 йилнинг учинчи чорагига нисбатан 4,2 фоизга ўсишига эришилди, ушбу натижани таъминлашда транспорт ва сақлаш хизматлари таъсири кучли бўлиб 7,4 фоизни ташкил қилди ва пандемия таъсири мавжуд бўлмаган давр, 2019 йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан 6 фоизга ўсиш таъминланди¹. Шу сабабли сервис хизматларини ривожлантириш, хизматлар соҳасига ахборот технологиялари, булутли хизматлар (cloud service)ни² жорий қилган ҳолда соҳанинг турли иқтисодий тебранишларга таъсирчанлигини пасайтиришни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда хизматлар соҳасини барқарор ривожини таъминлаш, тез-тез содир бўлаётган иқтисодий тебранишлар таъсирини камайтириш, хусусан сервис соҳасида фаолият юритаётган субъектларни турли дастаклар билан қўллаб-қувватлаш асосида бандликни таъминлаш, аҳолини ўсиб бораётган талабини миқдор ва сифат жиҳатдан тўлақонли қондиришни таъминлашга доир илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида жаҳон ҳамжамиятидаги йирик бозорлардан бири, аммо иқтисодий тебранишларга таъсирчан бўлган автосервис хизматларини ташкил қилиш жараёнларига инновацион технологияларни қўллаш, янги авлод автомобилларига сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этишни қўллаб-қувватлашни турли статистик ҳамда иқтисодий математик усуллардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш бўйича устувор даражада тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда самарали ташкилий иқтисодий механизмларни автосервис хизматлари сифатини ошириш йўллари, хизмат турларининг ўзига хос жиҳатлари ва стратегик йўналишлари, барқарор ривожланишнинг оптимал ўсиш суръатлари, сервис хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, ҳамда автосервис хизматлари кўрсатишда муқобил фаолият юритишни эътиборга олган ҳолда замонавий механизмларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида мамлакатда автосервис хизматларини ривожлантириш, ушбу бозорда рақобат курашини шакллантириш, аҳолини автомобилга бўлган талабини тўлақонли қондириш, автомобилларга сервис хизмати кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонида ҳудудларда хизмат кўрсатиш

¹ Манба: https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Impact_of_Covid-19_crisis_on_services

² Манба: <https://ec.europa.eu/eurostat/cache/infographs/ict/bloc-3b.html>

ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш, сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини 3 бараварга қисқартириш каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада сервис хизматларини қўллаб-қувватлаш, соҳада норасмий сектор улушини камайтириш ҳамда бандликни оширишни самарали ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш, истиқболли йўналишларини белгилаб беришга бағишланган илмий изланишларини янада кенгайтириш жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397 сон “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 12 майдаги ПҚ-5113 сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Автосервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий ва назарий масалалари хорижлик олимлардан В.Н.Восколович, В.Е.Гордин, М.А.Морозов, А.А.Одинцов, Р.Рассел, Б.Рендер, Ф.М.Урумова ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган³. Автомобилларга сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида турли савдо маркалари ва уларни бошқаришнинг илмий-назарий ва амалий масалалари Я.Монден, У.Новак, Т.Оно, Г.Форд, С.Шинго, Л.Якокко ва бошқаларнинг асарлари қараб чиқилган⁴.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш, автотранспорт корхоналарида хизмат кўрсатиш ва сервис (ХКС) сифатини ошириш масалалари мамлакатимиз олимларидан Т.У.Қодиров., С.К.Салаев, Б.Д.Олланазаров, О.М.Умаров, М.М.Қосимов, Н.Э.Алимходжаева,

³Восколович Н. А. Экономика платных услуг. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.; Гордин В.Э., Сушинская М.Д. Менеджмент в сфере услуг. М.: Бизнес- Пресса, 2007. 272 с.; Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник.Академия, 2009. 127 с. ; А.А.Одинцов, О.В.Одинцова Управленческая психология : учебник для студ. сред. поф. учеб. заведений / - 2-е изд., стер. - М. : ИЦ “Академия”, 2010. 256 с.; Хаксевер К., Рендер Б., Рассел Р., Мердик Р. Управление и организация в сфере услуг. Теория и практика. - СПб. 2002. – 752 с.; Ф.М.Урумова Региональная конкуренция как фактор устойчивого экономического роста: институциональный подход. Москва: Научная библиотека.2014. 221 с.; [Ю.П.Свириденко, В.В. Хмелев](#) Сервисная деятельность. Учебник.Издательство: [Альфа-М](#), [Инфра-М](#). 2009. 436

⁴Якокка Л., Новак У. Карьера менеджера / Пер. с англ; Худ. обл. М. В. Драко. - 2-е изд. Мн.: ООО «Попурри», 2002. 416 с; Ohno T. Toyota Production System: Beyond Large-Scale Production. New York: Productivity Press, 1988.; Shingo S. A Study of the Toyota Production System. New York: Productivity Press, 1989. ; Форд Г. Моя жизнь, мои достижения / Пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1989. 206 с.; Монден Я. Система менеджмента Тойоты / Пер.с англ. М.: ИКСИ, 2007. 216 с.;

А.Ж.Қаҳҳоров, А.А.Абдумавлонов, Б.Б.Холов, С.М.Обидовларнинг асарларида тадқиқ этилган⁵.

Таъкидлаш жоизки, республикамізда автосервис хизматларининг ривожланиш қонуниятлари, тенденцияларини, сервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, соҳани барқарор инновацион ривожлантириш ва модернизациялашнинг асосий масалаларидан бўлган сервис хизматлари сифатини ошириш асосида миқозларнинг мойиллигини бошқариш каби масалалар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Шунингдек, бугунги кунда етакчи хорижий давлатларда автосервис хизматини ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва миллий иқтисодиётда қўллаш, Ўзбекистон, хусусан автосервис хизматлари жадал суръатлар билан ривожланаётган Хоразм вилоятида бу соҳада сервис хизматларининг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш, инновацион хизматларни жорий қилиш асосида миқозларга сервис хизматлари кўрсатиш стандартларини шакллантириш истиқболларини баҳолаш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишга зарурат юзага келмоқда.

Диссертация мавзусининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақани комплекс ривожлантириш асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мос келади, ҳамда Германиянинг Volkswagen Foundation жамғармаси “SUMRICA (Sustainable Mobility Research in Central Asia)” амалий лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади автосервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мамлакатимизда автосервис хизматлари тараққиётини таъминлашнинг объектив зарурлиги ва аҳамиятини асослаш;

хорижий мамлакатларда автосервис хизматларини ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида қўллаш бўйича илмий-амалий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш;

⁵ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография.-Т.: Фан ва технология, 2014. - Б. 175.; Т.Қодиров. Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 1, январ – февраль, 2014 йил Б.11.; 9. Ollanazarov B., Saidov D, Salaev S.K., Alimov A.K., Features and development tendencies of services sphere in Uzbekistan // International Journal of Current Research Vol. 8, Issue, 07, pp.34416-34420, July, 2016; Умаров О.М. Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатини ривожланиш динамикаси // Иқтисодиёт ва таълим журналы, 2017 йил № 2 сон, Б.156-161.; Б.Б.Холов. Ўзбекистонда ички туризмни такомиллаштиришда транспорт хизматларининг аҳамияти//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 2, март-апрель, 2015 йил. Б.6; Абдумавлонов А.А. Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналаридаги лойиҳалар бўйича устувор йўналишларни аниқлашда иерархик таҳлил усулидан фойдаланиш динамикаси // Иқтисодиёт ва таълим журналы, 2017 йил № 2 сон, Б.162-165; Алимходжаева Н.Э., Қаҳҳоров А.Ж. Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг потенциалини тадқиқ қилиш ва баҳолаш// Иқтисодиёт ва таълим журналы, 2017 йил № 2 сон, Б.89-94;

мамлакат автосервис хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий масалалари, шаклланиш босқичлари, инновацион хизмат турларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ролини баҳолаш;

минтақа автосервис хизматлари сифатини ошириш бўйича SWOT таҳлилини амалга ошириш, анкета сўровлари асосида бу соҳада устувор йўналишларини асослаш;

савдо ва сервис хизматлари сифатини жаҳон талабларига мослаштириш асосида автосервис хизматлари самарадорлигини ошириш, ташкилий-иқтисодий механизмларини қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

минтақада инновацион сервис хизматларни йўлга қўйиш асосида автосервис хизматлари сифатини оширишнинг устувор йўналишлари ва миждозларга сервис хизматлари кўрсатиш халқаро стандартларини шакллантиришни асослаш, шунингдек дилерлик тармоқларини ривожлантириш орқали автомобиль сервис хизматлари кўрсатиш сифатини оширишнинг устувор йўналишларини асослаш;

Хоразм вилоятида автомобиль ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқболларини улар учун зарур бўлган замонавий сервис хизматларини аҳоли реал даромадлари ўсиш суръатлари билан боғлиқликда баҳолаш ва прогнозлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси, хусусан, Хоразм вилоятидаги автосервис хизматлари, соҳада фаолият юритувчи барча турдаги ХКС субъектлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети эса автосервис хизматларини ривожлантириш, соҳада сервис хизматлари кўрсатиш сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ташкил этиш бўйича иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, гуруҳлаш, социологик сўровнома, экстраполяция, SWOT таҳлил, иерархик таҳлил, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автосервис хизматлар кўламини оширишда “Хоразмавтотеххизмат”, “Хоразмавтосавдо” ва “Bobur Trans Logistic” МЧЖларнинг мавжуд ташкилий тузилмаларини такомиллаштириб “S”- фақат сотиш; “SS”- сотиш ва сервис, “SSS” - сотиш, сервис хизматлари, эҳтиёт қисм, аксессуарлар билан таъминловчи турларга ажратиш асосида дилерлик сервис тармоқлари тизимини ташкил қилиш таклиф этилган;

Шовот - Гурлан - Янгибозор, Қўшқўпир - Хива, Янгиариқ - Хонка, Боғот - Хазорасп туманлари туташ ҳудудларида автомобилларга комплекс сервис хизматлари кўрсатувчи марказларни таъсис этиш орқали ҳудудларда рақобатбардош сервис хизматлари самарадорлигини ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

Хоразм вилоятида автосервис миждозлари учун сервис хизматларини таклиф қилувчи “Хоразмавтотеххизмат”, “Хоразмавтосавдо”, “Bobur Trans Logistic” МЧЖ корхоналари, авто эҳтиёт қисмлар таъминотчилари “Ҳоқуб Рazzoқ” МЧЖ, “Хазорасп авто эҳтиёт қисмлар бозори” МЧЖ, касбга йўналтириш ва илмий

фаолият муассасалари мужассамлашуви асосида автосервис кластер модели таклиф қилинган;

автомобиль бизнесида сервис хизматлари ривожига таъсир қилувчи омилларнинг муҳим индикаторлари ва талаб ҳажмининг ўзгаришини 2022-2026 йилларга мўжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

автосервис хизматлар кўламини оширишда “Хоразмавтотеххизмат”, “Хоразмавтосавдо” ва “Bobur Trans Logistic” МЧЖларнинг мавжуд ташкилий тузилмаларини такомиллаштириб “S”- фақат сотиш; “SS”- сотиш ва сервис, “SSS” - сотиш, сервис хизматлари, эҳтиёт қисм, аксессуарлар билан таъминловчи турларга ажратиш асосида дилерлик сервис тармоқлари тизимини ташкил қилиш орқали сервис хизматлари сифатининг ошиши асослаб берилган;

Шовот-Гурлан-Янгибозор, Қўшкўпир-Хива, Янгиариқ-Хонка, Боғот-Хазарасп туманлари туташ ҳудудларида Автомобилларга комплекс сервис хизматлари кўрсатувчи марказларни таъсис этиш орқали ҳудудларда рақобатбардош сервис хизматлари самарадорлигини ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

Хоразм вилоятида автосервис мижозлари учун сервис хизматларини таклиф қилувчи “Хоразмавтотеххизмат”, “Хоразмавтосавдо”, “Bobur Trans Logistic” МЧЖ корхоналари, авто эҳтиёт қисмлар таъминотчилари “Ҳоқуб Раззоқ” МЧЖ, “Хазорасп авто эҳтиёт қисмлар бозори” МЧЖ, касбга йўналтириш ва илмий фаолият муассасалари мужассамлашуви асосида автосервис кластер модели ишлаб чиқилган;

автомобиль бизнесида сервис хизматлари ривожига таъсир қилувчи омилларнинг муҳим индикаторлари ва талаб ҳажмининг ўзгаришини кўп омилли эконометрик моделлари ҳамда прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан тадқиқот ишига доир хорижий ҳамда маҳаллий Олимлар олиб бораётган илмий-назарий, методологик тадқиқотлари асосида, фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбаалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги Автосервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга доир қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қанчалик даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни ваколатли вазирлик, тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан республикаимиз минтақаларида автомобиль бизнесида ХКС сифатини янада ошириш ва ривожлантиришга оид назарий-методологик, услубий аппаратни, турли ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга ошириш, соҳани ривожлантиришга мўлжалланган давлат ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса автомобиль бизнесида ХКС сифатини оширишнинг турли ташкилий-иқтисодий механизмларидан

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги, “Ўзавтосаноат” АК, “Ўзавтодарётранс” ДАК тизимидаги субъектлар фаолиятида, шунингдек, автомобиль бизнесида кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқаларини ривожлантириш, соҳа статистикасини янада такомиллаштириш ва ХКС фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг “хаёт цикли” давомийлигини мониторинг қилишда бевосита фойдаланиш мумкинлиги, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида келтирилган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомобиль сервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

автосервис хизматлар кўламини оширишда “Хоразмавтотеххизмат”, “Хоразмавтосавдо” ва “Bobur Trans Logistic” МЧЖларнинг мавжуд ташкилий тузилмаларини такомиллаштирилиб, “S”- фақат сотиш, “SS”- сотиш ва сервис, “SSS” - сотиш, сервис хизматлари, эҳтиёт қисм, аксессуарлар билан таъминловчи турларга ажратиш асосида дилерлик сервис тармоқлари тизимини ташкил қилиш бўйича таклиф Ўзбекистон савдо-саноат палатаси 2021 йил 8 сентябрдаги “Худудларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 11/03-15-7291 - сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётда қўллаш натижасида автомобиль сервис хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи дилерлик марказларини ташкил қилиш орқали автомобилларга сервис хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш имконини берган;

Шовот - Гурлан - Янгибозор, Қўшқўпир - Хива, Янгиариқ - Хонқа, Боғот - Хазорасп туманларининг туташ худудларида автомобилларга комплекс сервис хизматлари кўрсатувчи марказларни таъсис этиш орқали рақобатбардош сервис хизматлари самарадорлигини ошириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон савдо-саноат палатаси 2021 йил 8 сентябрдаги “Худудларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 11/03-15-7291-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида Хоразм вилоятида автосервис хизматлари бозорини ривожлантириш, соҳада рақобат муҳитини яратиш ҳамда сервис хизматлари самарадорлигини оширишга эришилган;

Хоразм вилоятида автосервис мижозлари учун сервис хизматларини таклиф қилувчи “Хоразмавтотеххизмат”, “Хоразмавтосавдо”, “Bobur Trans Logistic” МЧЖ корхоналари, авто эҳтиёт қисмлар таъминотчилари “Уоқуб Раззоқ” МЧЖ, “Хазорасп авто эҳтиёт қисмлар бозори” МЧЖ, касбга йўналтириш ва илмий фаолият муассасалари мужассамлашуви асосида автосервис кластер модели таклифи Ўзбекистон савдо-саноат палатаси 2021 йил 8 сентябрдаги “Худудларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 11/03-15-7291-сон маълумотномаси).

Натижада, кластер таркибига кирувчи автосервис корхоналари сонини 7-9 фоизга ва автосервис хизматлари миқозлари сонини 12-16 фоизга ошириш имконияти яратилган.

автомобиль бизнесида сервис хизматлари ривожига таъсир қилувчи омилларнинг муҳим индикаторлари ва талаб ҳажмининг ўзгаришини 2022-2026 йилларга мўжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон савдо-саноат палатаси 2021 йил 8 сентябрдаги “Ҳудудларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича чоратadbирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 11/03-15-7291-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижаларига кўра вилоятда иқтисодий-ижтимоий ва демографик омиллари ўзгаришлари таъсирида, хусусан аҳоли сони ўсиши, уй хўжаликлари ўртача катталиги қисқариши, ҳар 100 хўжаликка тўғри келадиган автомобиллар сони ортиши, аҳоли реал даромадлари ошиши асосида вилоят аҳолисининг энгил автомобилларга эҳтиёжи 2026 йилда 252,8 мингтага етиб 2021 йилга нисбатан 1,26 баробар ўсади ва уларнинг сервис хизматлари ҳажми эса 1,38 баробарга ошиши таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро (2 та) ва республика (5 та) илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 140 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг “**Автомобиль бизнесини ривожлантиришнинг назарий-услубий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари**” деб номланган биринчи бобда автосервис хизматларини ривожлантиришни объектив зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланган, илғор хорижий тажрибалари тадқиқ қилинган, Ўзбекистонда автомобиль бизнесини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва шаклланиш босқичлари аниқланган.

Автомобиль бизнесида сотишдан олдин ва кейинги сервис хизматларини ривожлантиришда дилер ва дистрибютерларнинг аҳамияти муҳим саналади. Автомобиль бизнесида сервис хизматларини ривожлантириш, уларнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллариининг мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида дилер ва дистрибютер тушунчаларига ёндошувлар тадқиқ қилинди ва улар тўлдирган ҳолда муаллифлик вариантидаги таърифлари таклиф қилинди.

Дилер - ваколатхонадан автомобилларни улгуржи сотиб олиб, якуний истеъмолчиларга чакана сотишни амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлиб унинг фаолият доираси кўрсатадиган хизматлари кўлами бўйича фарқланади. “S” фақат автомобиллар сотиш; “SS” – автомобилларни сотиш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш; “SSS” - автомобилларни сотиш, уларга сервис хизмат кўрсатиш ҳамда эҳтиёт қисмлар ва аксессуарлар билан таъминлаш.

Дистрибьютор - Ишлаб чиқарувчидан махсулотларни улгуржи нархда сотиб олиб, уни ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуд доирасида чакана сотувчи ҳамда, савдо марказини тақдимотини ўтказиш ва тарғиб қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс.

Фикримизча дилер ва дистрибютерлар фаолиятини келтириб ўтилган йўналишларда кенгайтириб бориш, ушбу тушунчалар тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш автомобиль бизнесида сервис хизматларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш натижаларига кўра автомобиль саноати ва бозорни ривожлантириш мамлакатда саноат улушини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари аҳоли бандлигини ошириш, инновацион ривожланишни тезлаштиради. Аммо автомобиль саноатини ривожлантириш ва жаҳон бозорига кириб бориш катта харажат талаб қилувчи ҳамда узоқ вақт давом қилувчи йўналиш ҳисобланади. Чунки, у ривожланишнинг дастлабки даврида фаол протекционизм сиёсатини юритишни талаб қилади.

Шунингдек, дунё автомобиль бозорида етакчи давлатлар ва уларнинг корхоналари фаолиятини таҳлили натижалари мамлакатимизда автомобиль

бозорини ривожлантиришда қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигини асослайди. Хусусан, ички рақобатни кучайтириш, дунё бозорига чиқиш стратегияларини ишлаб чиқиш, таннархни камайтириш, сифатни ошириш, маҳсулотни жаҳон бозоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратиш ва истиқболли йўналишларини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳсулотни сотишдан олдин, сотиш давридаги ёки сотишдан кейинги қўшимча равишда тақдим этиладиган хизматлар ва маҳсулот ҳаёт цикли билан боғлиқ ёки мустақил хизматлардир. Бугунги кунга келиб бу каби хизматлар автомобиль саноатида рақобатбардошликни таъминловчи муҳим мезонлардан бири сифатида шаклланиб сервис хизматларини кўрсатиш автомобиль бизнеси, хусусан саноатини ажралмас бир бўлаги бўлиб қолди.

Автомобиль саноатида маҳсулот билан боғлиқ хизматлар типологиясини шакллантириш асосида ушбу хизматларни маълум мезонлар бўйича гуруҳлаш уларни аниқлаш имкониятини яратиб беради⁶ (1-жадвал).

1-жадвал

Автомобиль саноатида маҳсулот билан боғлиқ бўлган хизматларни маълум мезонлар асосида таснифланиши⁷

Хизматлар таснифини ишлаб чиқиш учун мезонлар					
1. Хизматнинг ўзига хос хусусиятлари					
Ички омиллар	Инсон омили		Техник қурилмалар		АКТ технологиялари
Ташқи омиллар	Мижоз		Моддий объектлар		Номоддий объектлар
Маҳсулот доираси	Индивидуал хизмат			Хизматлар жамланмаси	
Таъминлаш муддати	Қисқа (1 кун ичида)		Ўрта (1 ой ичида)		Узоқ (1 ойдан кўп)
Хизмат кўрсатиш жойи	Хизмат кўрсатувчи маконида	Мижознинг маконида		Бошқа жойда	Объект маконида
Мижознинг роли	Бевосита қатнашади		Кузатувчи бўлади		қатнашмайди
Мижоз буюртмасини режалаштириш	Қисқа (1 кун ичида)		Ўрта (1 ой ичида)		Узоқ (1 ойдан кўп)
2. Маҳсулотга хос бўлган хусусиятлар					
Сотиш шакли	Қўшимча хизматлар (қўшиш)			Эркин	
Сотиш даври	Сотишдан олдин		Сотиш даврида	Сотишдан кейин	Эркин
Фойдаланишга нисбатан йўналганлик	Маҳсулотга йўналган	Функцияга йўналган	Фойдаланишга йўналган	Натижага йўналган	Хизматга йўналган
3. Объектга хос хусусиятлар					
Мобиллик	Мобилликни яратиш		Мобилликни ҳимоялаш	Мобилликни кенгайтириш	Мобилликни эркинлаштириш
Автомобиль тури	Янги автомобиль		Шахсий автомобили	Ижарага олинган автомобиль	Ҳеч бири

Шунингдек, автомобиль саноатида хизматлар моҳиятини тушуниш ундан фойдаланиш ёки қайта фойдаланиш учун хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади⁸. Хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари олдиндан белгиланган тамойилларга мувофиқ шаклланади. У турли

⁶ Palm, Daniel & Fedorovskaia, K & Narinsky, L & Brinster, E. (2019). Classification and use of product related services in the automotive industry.

⁷ Narinsky, L., Fedorovskaia, K.: Potentialanalyse für produktbegleitende Dienstleistungen der Automobilindustrie. TU Wien, 2011.

⁸ Schmidt, Alexander & Otto, Boris & Kussmaul, Alfrid. (2010). MES Services in the Automotive Industry. <http://www.alexandria.unisg.ch/Publikationen/71379>.

фойдаланувчилар томонидан дизайн, ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олади⁹.

Мамлакатимизда автомобиль бозорини ривожлантириш, маҳсулотларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида юқорида келтириб ўтилган йўналишлардаги мос хизмат турларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Автомобиль саноати мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим соҳалардан ҳисобланганлиги учун унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Хусусан, автомобиль саноатини дастлаб протекционизм сиёсати асосида ҳимоя қилишни йўлга қўйилганлиги ва бугунги кунга келиб ушбу чоратadbирларни босқичма-босқич юмшатилаётганини кузатиш мумкин. Бу ўз навбатида нафақат автомобиль саноатини ривожлантириш балки, сервис хизматлари кўрсатиш даражасини ҳам тараққиёт даражасига мос равишда ошириш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида автомобиль бизнесида сервис хизматлари ривожланиш омиллари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмлари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда автомобиль бизнесининг асосий унсурлари, ташкилий қисмлари ва ривожланиш тенденциялари тадқиқ қилинган, устувор йўналишлари иерархик таҳлил усули ёрдамида аниқланган, Хоразм вилояти автомобиль бизнесида сервис хизматлари кўрсатиш сифатини оширишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Кейинги йилларда автомобиль бозорида ўзига хос ўзгаришлар юз берди, аҳоли реал даромадларини ошиши бир томондан умумий талабни бошқа томондан автомобиль маркаларига талаб нисбатларини ўзгаришига сабаб бўлди. Яъни, нисбатан юқори техник имкониятларга эга ва люкс автомобилларга талабни ошиши кузатилади. Чунки, автомобиллар нархининг табақалашган шаклда оширилиши ҳам сифат ҳам техник кўрсаткичларига эътибор ошишига сабаб бўлди (2- жадвал).

Айнан 2020 йилда аҳоли томонидан талаб юқори бўлган “Damas”, M300 “Spark”, “Nexia T - 250” каби моделларнинг нархи мос равишда 17,7, 15,9 ва 17,2 фоизга ошиши кузатилган. Аммо “Lacetti (Gentra)” нархи 3,4 фоизга ошган.

Айнан харидоргир ва нисбатан арзон автомобиллар нархининг юқори даражада оширилиши ва СКД моделлари нархи ўртасидаги тафовутнинг камайиши нисбатан юқори техник кўрсаткичларга эга моделлар туркумига талабнинг шаклланишига туртки бўлганлигини аҳоли томонидан талаб юқори бўлган моделларнинг улуши ўзгаришига сабаб бўлганлигини кузатиш мумкин. Натижада Lacetti (Gentra) моделининг нархи билан Nexia t - 250 моделининг нархи орасидаги фарқнинг қисқариши кузатилди ва Nexia t – 250 моделига бўлган талабнинг камайишига сабаб бўлди. Бошқа томондан эса, Spark ва Cobalt моделларининг нархлари орасидаги фарқнинг қисқариши Cobalt моделига бўлган талабни кескин ошишига сабаб бўлди.

⁹ HEUTSCHI, R. (2007) Serviceorientierte Architektur: Architekturprinzipien und Umsetzung in die Praxis, Berlin/Heidelberg, Germany, Springer-Verlag.

**2020 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган СКД модели
автомобиллар нархининг ўзгариши.¹⁰**

Вариант	Позиция	2020 йилда ошган нарх	2020 йилдан олдинги нарх	Ўзгариш %	Ўртача нарх ошиши %
“Damas” модели					
D2	пол люкс	78283000	64696586	121,0	17,7
D11	Юк	75928000	62750539	121,0	
L62 (лабо)	Пикап	79198000	71349654	111,0	
M300 “Spark” модели					
M300M-125	2 ПОЗИЦИЯ	73477000	66602502	110,3	15,9
M-оптимум/плус	2 ПОЗИЦИЯ	75402000	68070677	110,8	
M300M2/GS/A-125	3 ПОЗИЦИЯ (A/T)	92821000	76745952	120,9	
M-ELEGANT/AT PLUS	3 ПОЗИЦИЯ A/T	94249000	77591805	121,5	
“Nexia T – 250” модели					
AB-GS16	2 ПОЗИЦИЯ	87320000	75930613	115,0	17,2
AB-OPTIMUM PLUS	2 ПОЗИЦИЯ+	89916000	78189036	115,0	
AB-GX16/AT	4 ПОЗИЦИЯ	106429000	89062015	119,5	
AB-ELEGANT/AT PLUS	4 ПОЗИЦИЯ+	109025000	91320438	119,4	
“Cobalt” модели					
GS/16MTB	2 ПОЗИЦИЯ	95768000	87060777	110,0	12,3
GX/16ATB	4 ПОЗИЦИЯ	115390000	100777630	114,5	
“Lacetti (Gentra)” модели					
L-COMFORT PLUS	1 ПОЗИЦИЯ+	115607000	111701316	103,5	3,4
L-COMFORT/G PLUS	1 ПОЗИЦИЯ GBO+	124445000	120281586	103,5	
L-ELEGANT/AT PLUS	3 ПОЗИЦИЯ+	138126000	133862552	103,2	

Ҳар иккала марка ҳам аҳолининг ўрта қатлами даромадларига мосланганлиги уларга бўлган талабнинг кескин равишда ўзгаришини таъминлади. Автомобиль маркалари орасидаги боғлиқлик, яъни бирига талабнинг ўзгаришини бошқасига бўлган талабга қанчалик даражада юқори таъсирга эгаллигини баҳолаш мақсадида жуфт корреляция коэффициентидан фойдаланган ҳолда қараб чиқилди (3-жадвал).

Жуфт корреляция коэффициентлари таҳлили¹¹

	<i>Damas</i>	<i>Nexia t – 250</i>	<i>Cobalt</i>	<i>Lacetti (Gentra)</i>	<i>Spark</i>
<i>Damas</i>	1,00				
<i>Nexia t - 250</i>	0,09	1,00			
<i>Cobalt</i>	0,60	-0,42	1,00		
<i>Lacetti (Gentra)</i>	0,73	-0,11	0,95	1,00	
<i>Spark</i>	-0,82	0,23	-0,95	-0,97	1,00

3-жадвалга кўра, Damas моделига талабнинг ўзгариши билан Spark моделига бўлган талаб орасида юқори тесқари боғлиқлик мавжуд, яъни Damas моделига бўлган талаб пасайса, Spark моделига бўлган талаб ошади. Бошқа

¹⁰ Муаллиф ишланмаси

¹¹Муаллиф ишланмаси

томондан эса, Spark ва Cobalt моделига бўлган талаб ўртасида ҳам юқори тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бу эса Spark модели нархи ошиши эвазига талабни камайиши натижасида Cobalt моделига бўлган талаб ошиши бўйича берилган хулосаларни тўғрилигини асослайди. Айтилишича Spark ва Lacetti (Gentra) маркалари орасида ҳам мавжудлигини кузатиш мумкин. Nexia t - 250 ва Lacetti (Gentra) моделига бўлган талаб орасида заиф тескари корреляцион боғлиқлик мавжуд бу Nexia t - 250 модели нархининг ошиши маълум даражада Lacetti (Gentra) моделига бўлган талабнинг ошишини асослайди.

Мамлакатда аҳоли даромадларини ошириб бориши автомобиль билан таъминланганлик даражасини ошишига хизмат қилмоқда. Натижада, кейинги даврда аҳоли томонидан автомобилларга турли хизматларни кўрсатишга бўлган талабнинг кескин ошиши, хизматлар сифатига эътиборни қаратилиши, бу соҳани ривожлантиришни муҳим масалага айлантирди. Аҳоли реал даромадларини автомобиль билан таъминланганликка таъсирини баҳолашда lin-log моделдан фойдаланилди.

$$Y = -240 + 34.08 * \ln(X_1) \quad (1)$$

Бу ерда: Y – Аҳолининг энгил автомобиль билан таъминланганлиги (100 та уй хўжалигига), X_1 - аҳоли реал даромадлари (минг сўмда).

Натижаларига кўра эркин ўзгарувчини фоиздаги ўзгаришини эркин ўзгарувчининг бирликдаги ўзгаришига таъсирини баҳолаш учун аниқлаган коэффициентини 100 бўлиш талаб этилади, яъни аҳоли реал даромадларини бир фоизга ошиши таъминланганликни 0.34 бирликка оширади.

Аҳолининг энгил автомобиль билан таъминланганлигини оширишда мамлакатда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгариш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ҳажминини ошиши ўз навбатида аҳоли реал даромадлари билан бевосита боғлиқлигини қараб чиқилди.

$$X_2 = 1.7 * 10^{-5} * X_1^{2.47} \quad (2)$$


бу ерда: X_2 – автотранспорт воситалари, ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўмда).

Аниқланган модел натижаларига кўра аҳоли реал даромадларини бир фоизга ошиши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш ҳажми 2,47 фоизга ошишига олиб келади. Эластиклик коэффициентининг бирдан катта бўлиши аҳоли даромадларидаги ҳар қандай ўзгариш автомобиль бозорига кучли таъсир қилишини асослайди.

Автомобиль бозорига ўзига хос техник имкониятларга эга бўлган янги авлод автомобилларни кириб келиши мос равишда сервис хизматларини ҳам ривожланишини таъминлайди. Жумладан, алтернатив энергиядан фойдалануви автомобиллар пайдо бўлиши ўзига хос бўлган сервис хизматлари кўрсатишга талабни шакллантирмоқда. Натижада, мамлакат автомобиль бизнесида инновацион фаолиятни ривожланиши мос равишда янги сервис хизматларига талаб ошишига сабаб бўлмоқда. Инновацион сервис хизматларини

ривожланиши ва шаклланиши ўз навбатида мавжуд вазият ҳамда шароитга бевосита боғлиқ бўлиб қатор омиллар асосида вужудга келади (1-расм).

Янги сервис хизматларини шаклланишига таъсир қилувчи бирламчи омиллар сифатида аҳоли даромадларидаги ўзгаришни келтириб ўтиш мумкин. Биринчидан даромад ошиши янги авлод автомобилларини бозорга кириб келишига сабаб бўлса, иккинчидан мавжуд автомобилларнинг техник имкониятлари ва дизайнини ўзгариштиришга бўлган талабнинг ҳам ошиши кузатилади. Жумладан, электромобиль, турбо ва гибрид двигателларга эга бўлган янги авлод автомобилларига талабнинг ошиши мос равишда уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сервис хизматларини ҳам кириб келишини талаб қилади. Шунингдек, автомобилларга сервис хизматлари кўрсатувчи субъектлар сонини ошиши рақобат курашини кескинлаштиради. Натижада, бозорда яшаб қолиш учун улар ўз фаолиятига янги авлод технологияларини жорий қилиш, кадрлар билим, малака ва кўникмаларини ошириши ҳамда янги хизмат турларини таклиф қилишлари лозим бўлади.



1-расм. Автомобиль бизнесида янги сервис хизматларини шаклланиши¹²

Автомобиль бизнесида янги сервис хизматларини шаклланишига таъсир қилувчи омиллар таҳлил натижаларига кўра янги авлод автомобилларини бозорга кириб келиши, уларнинг техник имкониятларини ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу жараён мамлакатда монополлик хусусиятини сақлаб қолаётган асосий ишлаб чиқарувчи бўлган “GM-Uzbekistan” АЖ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда “GM-Uzbekistan” АЖда янги автомобилларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйилишига алоҳида эътибор қаратиб ўтишни жоиз топдик.

Мамлакатда автомобилларга сервис хизматлари кўрсатишнинг мавжуд ҳолати Хоразм вилояти асосида баҳолаб ўтилди. Вилоят туман ва шаҳарларини автомобиль бизнесида сервис хизматларининг ривожланганлигини ифодаловчи ўндан ортиқ кўрсаткичларини баҳолаш асосида ўртача ранг кўрсаткичларини ва шу асосда ривожланганлиги бўйича ўринларини ҳисоблаб чиқдик (4-жадвал).

Баҳоланган 10 та кўрсаткичнинг 7 таси ва натижавий ўртача ранг кўрсаткичи (1,8) бўйича Урганч шаҳри 1-ўринни эгаллади.

¹² Муаллиф ишланмаси

**Хоразм вилояти туман ва шаҳарларини автомобиль бизнесида сервис
хизматлари ривожланганлиги бўйича ранглари**

Хизмат тури/ туманлар	Мой алмаштириш	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш жойлари	Авто шохбекат- лар сони	Эҳтиёт қисм дўконлари сони	Такси уюшмалари сони	Такси уюшма- ларидаги автомо- биллар сони	Маршруткалар сон	Автобуслар сони	Лицензия олган транспорт воситалари сони	Бир транспорт ўртача даромад микдори	Ур. ранг кўрсаткичи	Ранг бўйича ўрни
Урганч ш.	3	1	1	4	1	1	1	1	1	3	1,8	1
Урганч т.	2	3	-	1	2	2	2	8	2	4	2,9	2
Хазорасп т.	4	2	2	2	4	6	2	3	4	5	3,4	3
Гурлан т.	5	4	2	6	5	4	2	4	3	9	4	4
Хива ш.	1	3	-	3	3	3	2	10	10	11	5,1	5
Шовот т.	7	4	2	5	6	5	4	6	5	8	5,2	6
Хонқа т.	4	4	-	6	7	8	6	5	6	1	5,2	6
Хива т.	12	3	-	3	3	3	2	2	10	12	5,4	7
Қўшқўпир т.	6	3	-	8	8	7	2	3	7	10	6	8
Янгиариқ т.	9	4	2	7	8	10	5	6	7	7	6,6	9
Янгибозор т.	10	4	-	9	10	11	3	7	11	6	7,9	10
Боғот т.	8	4	-	8	9	9	6	9	9	2	8	11
Тупроққалъа т.	12	5	-	10	11	12	7	4	18	13	9,5	12

Энг заиф кўрсаткич туманлардаги автошохбекатлар сони бўйича, яъни атига 5 та ҳудудда автошохбекатлар фаолияти йўлга қўйилган, қолганларида автошохбекатларни қуриш ёки ташкил қилиш ишлари бошланғич босқичда ҳисобланади. Шунингдек, ўртача ранг кўрсаткичлари бўйича иккинчи ўринни Урганч тумани (2,9), учинчи ўринни Хазорасп тумани (3,4), Гурлан тўртинчи (4,0), Хива шаҳри бешинчи (5,1), Хонқа ва Шовот туманлари олтинчи ўринларни (5,2), Хива тумани 5,4 ўртача ранг билан еттинчи, Қўшқўпир тумани саккизинчи (6,0), Янгиариқ тумани тўққизинчи (6,6), ўртача 7,1 ранг билан Боғот ўнинчи, Янгибозор тумани ўн биринчи (7,9) ва энг охириги ўринни янги ташкил қилинган Тупроққалъа тумани (9,5) ранг билан эгаллади.

Диссертациянинг “**Минтақа автомобиль бизнесида сервис хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**” деб номланган учинчи бобда Хоразм вилоятида автосервис хизматлари сифатини оширишнинг устувор йўналишлари социологик сўровлар асосида баҳоланган, мамлакат ва унинг ҳудудларида автомобиль бизнесида сервис хизматлари ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқилган, автомобиль бозорида сервис хизматларини ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

Хоразм вилояти ҳудудларда автотранспорт воситаларига кўрсатиладиган сервис хизматларининг мавжудлиги ва сифати 13 турдаги сервис хизматлари бўйича респондентлар томонидан баҳоланди (5-жадвал).

Олинган жавобларга кўра техник кўрикдан ўтказиш хизмати вилоятда етишмаслиги, 419 та респондентнинг 109 таси истиқомат қилаётган ҳудудида бундай хизмат тури, 55 таси ёқилғи қуйиш шаҳобчаси мавжуд эмаслигини

таъкидлашган. Шунингдек, ёқилғи қуйиш шаҳобчаси хизмат кўрсатиш сифатини ёмон деб баҳолаган респондентлар улуши юқори эканлиги аниқланди.

5-жадвал

Респондентнинг ҳудудида автотранспортларга сервис хизматларининг сифатини баҳолаш натижалари¹³

№	Автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматлари турлари	Ёмон	Ўртача	Яхши	Аъло	Бундай хизмат тури мавжуд эмас	Билмайман	Жами:
1	Автомобиль ювиш шаҳобчаси	41	167	155	29	19	8	419
2	Автоэлектрик	43	149	182	28	11	6	419
3	чехол тикиш ва таъмирлаш	37	139	186	38	10	9	419
4	Моторист	39	129	189	44	7	11	419
5	Қузов таъмирлаш хизмати	34	116	186	52	12	19	419
6	Вульканизация	22	129	193	54	13	8	419
7	Мой ва антифриз алмаштириш хизмати	10	141	199	53	7	9	419
8	Амортизатор ва ходовойларни таъмирлаш хизмати	49	138	165	38	13	16	419
9	Развал ва балансировка хизмати	40	138	165	51	13	12	419
10	Метан(пропан) газ балони ўрнатиш хизмати	39	144	157	42	22	15	419
11	Авто тюнинг хизмати	41	132	135	42	36	33	419
12	ёқилғи қуйиш шаҳобчаси хизмат кўрсатиш сифатини	94	127	126	17	55	0	419
13	техник кўриқдан ўтказиш хизмати	57	154	87	12	109	0	419
	<i>хизматларнинг ўртача баҳоланиши (сон ҳисобида)</i>	42	139	163	38	25	11	419
	<i>хизматларнинг ўртача баҳоланиши (фоиз ҳисобида)</i>	10,6	33,1	39,0	9,2	6,0	2,7	100,0

Барча даражада автомобиль бизнеси соҳасида хизматлар сифатини яхшилаш бўйича респондентлар таклифи ўрганилди (6-жадвал).

Респондентнинг 31,7 фоизи барча йўловчи ва юк ташувчи транспортларга GPS-навигаторларни қўйиш, 39,4 фоизи тезлик, йўл қоидалари бўйича салон ичида огоҳлантирувчи мультимедиали, овоз чиқариб турувчи қурилмалар билан жиҳозлаш кераклигини таъкидлашган. Респондентларнинг 27,7 фоизи барча даражадаги йўловчи ва юкларни қатновчи ҳайдовчиларни умумий этикет ва одоб-ахлоқ қоидалари, халқаро ва ички ташувлар бўйича белгиланган меъёрлар, психология каби ўқув курсларида қисқа 6-12 соатлик курсларни ўқитишни ташкил қилиш лозимлигини таъкидлашган. Фикримизча автотранспорт хизматлари сифатида яхшилаш бўйича қисқа муддатли, интенсив таълим хизматларини йўлга қўйиш лозим.

Респондентлар жавобларини ўрганиш натижаларига кўра вилоятда автотранспорт воситаларига сервис хизмат кўрсатиш корхоналари сони етарли даражада эмас, шунингдек уларни малакали ходимлар билан таъминлаш

¹³ Манба: муаллиф ишланмаси

